

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Ўзбекистонда парламент институтининг
ривож ва истиқболлари:
сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари

шлмий-амалий конференция
материаллари тўплами

Тошкент – 2010

<i>Мўйишов Д.Н.</i> Ўзбекистон Республикасида парламент сайловларида сиёсий рекламанинг тугган ўрни	90
<i>Содиқова Ш.М.</i> Сайлов технологияларида номзод имини шакллантириш	97
<i>Қодиров Э.О.</i> Сайлов тизимининг тақомиллашувида ёшлар сиёсий маданиятининг таъсири	102
<i>Ғозиев Р.Р.</i> Ўзбекистон сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари	107
Сиёсий партияларнинг Ўзбекистонда парламент ривожига тўнган ўрни	
<i>Орипов Ш.О.</i> Ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилишда сиёсий партияларнинг роли ва аҳамияти	113
<i>Пардаев Н.А.</i> Сиёсий партияларни молиялаштириш йиғинача хорижий қонуқчилик ва Ўзбекистон амалиёти	118
<i>Рашидов Р.Р.</i> Ўзбекистон «Миллий Тикланиш» демократик партияси сайловлар жараёнида	123
<i>Умарова Г.Т.</i> Сиёсий партияларнинг Ўзбекистонда таъминлашдаги аҳамияти	129
<i>Хадиров Х., Абдурахманов Ш.</i> Халқ ҳокимиятчилиги қарор топишида сиёсий партияларнинг ўрни	134
<i>Хуснидинова М.С.</i> Парламентаризм институтининг ривожланишида сиёсий партиялар ва сиёсий етакчиларнинг ўрни	137
<i>Якубов Ш.У.</i> Сайлов жараёнида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асослари	142
Ўзбекистонда парламент институтининг ривожига аҳамияти, халқаро ва парламентлараро алоқалар	
<i>Абдуллаев М.</i> Форс кўрфази араб давлатларида демократик тамойилларни сиёсий жараёнларга таъбиқ этишда парламентнинг аҳамияти	151
<i>Гўясов Б.Т.</i> Парламентская дипломатия нашего государства	156
<i>Ибрагимов Б.З.</i> Опыт Республики Индия в сфере парламентаризма и межпарламентское сотрудничество с Республикой Узбекистан	162
<i>Камалова З.Д.</i> Становление и современная политическая роль Парламента ЕС	167
<i>Каримов Ф.Э.</i> Замонавий Ироқ парламентаризмининг шаклланишидаги муаммолар	172

<i>Колесникова И.С.</i> Олий Мажлис Республикаси Ўзбекистон: ривож ва ҳамкорлик	179
<i>Мулинов Э.А.</i> Опыт Испании в развитии института парламентаризма и возможность его использования в условиях Узбекистана	183
<i>Мухаммадсодиқов М.М.</i> Араб давлатларида демократлаштириш жараёнлари: ютуқлар ва муаммолар	190
<i>Пулатов У.Г.</i> Процессы демократизации и деятельность парламентов в странах Северной Африки	197
<i>Рашидов Р.Р.</i> Демократические выборы как важный этап становления государственности в Афганистане	204
<i>Саатов О.У.</i> Особенности парламентской системы Германии и их применимость в Узбекистане	209
<i>Самариндинов Ф.А.</i> Жазоирда парламент институту ривожланишининг айрим жиҳатлари	213
<i>Ташназаров Р.У.</i> Парламентская дипломатия КНР и межпарламентские связи с Узбекистаном	219
<i>Хушизарова Л.М.</i> Межпарламентские отношения Республики Узбекистан и Российской Федерации	223
<i>Шодиёва О.Р.</i> Сотрудничество парламента Узбекистана и международных парламентских организаций и органов	228

(5) Договор о Европейском Союзе. Извлечения. Комментарий Г.П. Толстого // Московский журнал международного права. – М., 1995. – № 2. – С. 251.

(6) Топорнин Б.Н. Европейское право: Учебник. – М.: Юристъ, 2001. – С. 325.

(7) Европейское право: Учебник для вузов / Под общ. ред. Л.М. Энтина. – М.: Издательство НОРМА, 2000. – С. 266-267.

(8) Парламенты мира: Сб. – М.: Интерпракс, 1991. – С. 130.

(9) Европейский парламент / Сост. В. Смирнова. – Страсбург: Генеральная дирекция информации и общественных связей Европейского парламента, 1993. – С. 183.

(10) Петровский М. Национальные интересы на фоне летней апатии. Раз в пять лет европейцам предлагают слегка напрячься // Белорусский рынок. – Минск, 2004. – 31 мая – 7 июня.

(11) Крылова И.С. Европейский парламент (правовой статус). – М.: Наука, 1987. – С. 43.

*Каримов Ф.Э.
ТошДШИ магистранти*

ЗАМОНАВИЙ ИРОҚ ПАРЛАМЕНТАРИЗМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУАММОЛАР

XX асрда халқаро муносабатларда ва дунёнинг турли минтақаларида бўлиб ўтган туб сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ўзгаришлар дунё янги тартиботини шакллантирди ва шу билан биргаликда бу муносабатларнинг кескинлашишига олиб келди.

Янги дунё тартиботини шаклланиши жараёни минтақалар даражасида ва минтақалар ичидаги эскидан сакланиб келаётган, зиддият ўчоғи сакланиб турган, турли хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можароларнинг кескинлашуви билан бирга юз берди. Шундай муам-

молар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида” деб номланган асариди “бу можаролар илгари икки тузумнинг дунё микросидаги карама-қаршилиги доирасида кўпинча у ёки бу кучлар кутбининг маънафатлари йўлида бостириб келинган” деб таъкидлаб ўтган эди.

Ҳақиқатдан, 90-йилларга қадар ҳаракатда бўлган минтақавий можаролар ва зиддиятлар асосан икки кутб доирасида назорат қилинган. Ўтган асрнинг 90-йилларга келиб биполяр тизим кулаши билан айрим минтақавий можаролар йўққа чиқди, бироқ кўпчилиги эса назорат қилинмай қолди, кейинчалик эса янги турдаги диний-этник можаролар ва зиддиятлар вужудга келди. Буни биз Ироқ мисолида кўришимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки диний-этник можароларда кенг қамровли урушларга нисбатан тинч аҳоли кўпроқ жабр кўради. Президентимиз И.А. Каримовнинг сўзлари билан айтганда: “Миллионлаб кишиларнинг тақдири хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди” (1). Уруш жамият ва давлатларнинг ҳолатига фалокатли таъсир кўрсатади. Бу – урушнинг табиий йўлдоши бўлган иқтисодий вайронагарчиликдангина эмас, балки миллатнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлади.

Ироқ муаммоси хозирги кунда давом этиб келаётган энг “эски” минтақавий-иқтисодий можаролардан биридир. Бу муаммонинг ҳал этилиши биринчи навбатда унга сиёсий тус беришга барҳам бериш билан боғлиқдир. Бу нарсага эса фақатгина муаммони соф тинчлик воситаларини қўллаш орқали эришиш мумкин.

Ироқдаги можароларнинг энг асосий сабаблари булар диний ва этник келишмовчиликлар ҳисобланади. Бизга маълумки Ироқда бир қанча дин ва миллат вакиллари истикомат қилишади. Ироқдаги диний-этник можароларнинг ву-

жудга келишида бир қатор омиллар ва сабаблар мавжуд. Ҳозирги ироқда эса шундай янги омиллардан бири мамлакатда ўтказиладиган сайловлар ва умумхалқ референдумлар ҳисобланади. Бунга мисол қилиб Ироқ парламентига янги сайловларни кўрсатиш мумкин.

Ироқда парламент сайловлари конституция бўйича 2010 йилнинг 21 январ куни ўтказилиши режалаштирилган. Бироқ, Ироқ Вице-президенти 18 ноябр куни сайлов тўғрисидаги қонунга вето қўлаши мумкинлигини билдирди ва масалани сайлов санасига қаратди. Конституцияга мувофиқ сайлов 31 январгача ўтказилиши керак ва сайлов қонуни ҳам камида сайловдан 60 кун олдин тасдикланиши керак. Бироқ, Шиа-ларнинг асосий байрами 24 январдан бошланади, шу сабабли ҳам сайлов ундан олдин ёки феврал ойида ўтказилиши керак бўлади. Сайлов комиссияси тайёргарлик ишларини тўхтатиб қўйди.

Сайлов Ироқ парламенти Вакиллар Кенгашининг 323 та аъзосини ҳал қилади. Улар эса ўз навбатида Ироқнинг бош вазирини ва президенти сайлашади. Сайлов АҚШ кўшинлари иштирокида референдум билан бир кунга мўлжалланган.

Зарурий сайлов қонуни фақат 8 ноябр куни қабул қилинган бўлиб, БМТнинг сайловларга қўмақлашаётган Ироқдаги Миссияси сайловни ўтказиш учун яна 90 кун керак эканлигини билдирди. Сайлов комиссияси сайловни аввал белгиланган 21 январ санасидан кечиктиришни сўради (2).

Сайловдан олдин Ироқ Олий суди мавжуд сайлов қоидаларини конституцияга зид деб баҳолади. Шу сабабли парламент янги сайлов тўрисидаги қонунини ишлаб чиқишга қарор қилди. Ироқ вазирлар маҳкамаси 2009 йилнинг сентябр ойида сайлов қонуни лойиҳасини тасдиқлади. Шунга қарамастан мазкур қонун Вакиллар Кенгаши томонидан тасдиқланиши учун икки ой ўтди ва ўн марта қолдирилди. Асосий баҳс сайлов тизимининг янги «Очик рўйхати» устида борди. Араб ва туркман томонлари ва партиялари «Очик рўйхат» қўллаб-

қувватлаган бўлса Кирку провинцияси ҳукумати бунга қаршилик билдиришди.

БМТнинг Ироқдаги миссияси одамларга ҳар бир алоҳида мустақил номзод учун ҳамда партия варақлари бўйича овоз беришларда қулай ва осон бўлиши мақсадида очик рўйхатни жорий қилиш шаклида сайлов тизимига ўзгартiriш киритишни маслаҳат берди. Сўнги умумхалқ миллий сайловлар ёпиқ овоз бериш тизимида ўтказилган, лекин 2009 йилдаги Ироқ вилоятларидаги маҳаллий ҳукуматлар сайловларида очик варақлардан фойдаланилган. Бундай ҳаракатта дастлаб суннийлар парламентариёлари қарши чиқишган бўлиб, улар очик варақлар Маликининг фойдасига хизмат қилади деб кўрқишган. Ироқнинг юқори Шиа уламоси Оятулло Али ал-Систани очик овоз бериш тизимини қабул қилмаслик «демократик жараёнга салбий таъсир кўрсатиши» ва сайловда қатнашувчиларнинг сонини камайтириши тўғрисида огоҳлантирди, унинг ёрдамчилари эса агарда ёпиқ варақлардан яна фойдаланилса Оятулло бойкот эълон қилиши мумкинлигини маълум қилишди. Мамлакат бўйлаб 1000 дан ортиқ фуқаро ёпиқ рўйхатларга қарши намойишлар уюштиришди. Якунида, Курдистон Иттифоқидан ташқари барча партиялар қабул қилинган очик рўйхатлар тизимини маъқуллашди (3).

Киркук вилояти ҳукумати эса эски 2004 йилдаги сайловчилар рўйхатидан фойдаланишмоқчи.

Бироқ, Курдлар 2004 йилги рўйхатда ўша пайдан кейинги вақт мобайнида жойлашган кўп миқдордаги Курд аҳолиси инobatта олинмаганлигини маълум қилиб бунга қарши чиқишди. Шундан кейин БМТнинг Ироқдаги миссияси Курдлар икки ёки ундан ортиқ этник сайлов округларига бўлинишини ва Курд гуруҳига автоматик равишда 50 % плюс бир миқдорда квота беришни таклиф қилди. Парламентга овозга қўйилганда ушбу таклиф Араб партиялари томонидан маъқуллазмади ва масалани боши берк кўчага олиб кириб қўйишди. Бу масала Президент, Бош Вазир ва партия етакчиларидан таркиб топган Миллий Хавфсизлик бўйича Сиёсий

Кенгашига тақдим этилди. Кенгаш 2004 йилдан 2009 йилгача бўлган сайлов рўйхатларини уйғунлаштиришни тақлиф қилди, лекин у овозга қўйилганда унга Курдлар қарши чиқишди. Шундан кейин БМТнинг Ироқдаги Миссияси 2009 йилдаги рўйхатлардан фойдаланишни тақлиф қилди. Ушбу тақлиф овозга қўйилганда Курд томони аъзолари мажлисни тарк этишди, бунинг оқибатида қарор қабул қилиш учун зарурий кворум миқдори камайди. Шундай бўлсада қонун 80 аъзо қатнашмаган ҳолда, 141 га 54 нисбатдаги овоз билан қабул қилинган. Мазкур қонунда айтилишича, Киркук вилояти ва рўйхатлар «шубҳали» деб топилган бошқа ҳокимиятлардаги натижалар вақтинчалик деб ҳисобланиб, улар сайлов комиссияси, парламент, ҳукумат ва БМТнинг Ироқдаги миссияси вакиллари иштирокидаги кўмига томонидан бир йил ичида қайта кўриб чиқилади ва хато бюллетенлар бекор қилинади.

Янги қонунга мувофиқ, Вакиллар Кенгашининг ҳажми 275 тадан 323 та аъзогача кўпайтирилган, ҳар бир та ўринга 100000 та овоз берувчи тўғри келади. 2005 йилнинг декабридаги сайловлардаги каби, ўринлар, маҳаллий ҳукумат даражасида ўринларни эгаллаб аммо овозларнинг миллий улушларида акс этмаган партияларга, берилмаган кўшимча «компенсация» ўринлари билан бирга тақсимланади. Хорижда истиқомат қилаётган ироқ халқининг овозлари ҳам компенсация ўринлари бўйича ҳисобга олинади.

Ироқ Вице-президенти Тарик ал-Хошимининг таъкидлашича компенсация ўринларининг оз миқдори 2 миллион Ироқ қочокларига мўлжалланган бўлиб, уларнинг кўпчилиги ал-Хошими каби сунний Араблардир. У компенсация ўринларининг сонини 15 % (48 та)га оширишни талаб қилди ва агарда қонунга кўшимча киритилмаса қонунга вето қўйишни миллий телевидения орқали маълум қилди. Сунний Араб парламентарийси Салих ал-Мутлак хориждаги ироқликлар учун 30 та ўрин берилиши лозимлигини маълум қилди. Президент Жалал Талабани ҳам Курд минтақавий ҳукуматларидан хат олгандан кейин 15 % га оширишни кўллаб-қув-

ватлади. Аммо кўп ўтмай Президент Талабани ҳамда Вице-президент Адел Абдул Махди мавжуд муаммоларга қарамай қонунни имзолашди, бироқ Хошими ўз гапида туриб, қонунга вето эълон қилди. Парламент Олий Федерал Судидан маслаҳат сўради ва у «Барча Ироқликлар, хох мамлакат ичида яшаётган бўлсин хох унинг ташқарисида, парламентда қатнашадилар» деган жавобни берди (4). Бу маълумот юзасидан бироз тўсқинликлар ҳам бўлди – юридик ишлар кўмитасининг бошлиги бунни ветога бекор қилувчи ҳолат деб таърифлади. Бироқ, парламент спикери Аяд ал-Самаррай ушбу расмий маълумот парламент учун мажбурий эмаслигини ва у давлатнинг мурожаатига нисбатан фақатгина маслаҳат эканлигини таъкидлади. Бош вазирни кўллаб-қувватловчи юзлаб фуқаролар ветога қарши намойиш уюшгирдилар.

Ироқ Курдистони Президенти Масауд Барзони, агарда Курдистондаги учта провинциядаги вакиллик миқдори орттирилмаса, сайловга қарши бойкот кўзгаатиши мумкинлиги билан кўриктиди. Аммо провинциялар кўшимча 77 та ўридан фақат учтасини кўлга киритди холос.

Маҳаллий жойлашган аҳоли фақат уларнинг қарточкалари берилган жойларда овоз берадилар деган қонда конституцияга зид ҳисобланади. Таха Дарва конституцион суддан ушбу қондан олиб ташлашни сўради (5).

Мустақил Олий сайлов комиссияси (МОСК) раиси Фараж Ал Хайдари комендантлик соати кўлланилишини ва сайлов кунни аэропортлар ёпилишини эълон қилди. МОСК сайлов бошқармаси бошлиги Хайдар Ал Аббуди сайлов натижаларини уч кундан кейин эълон қилинишидан умид қилганлигини билдирди. Ниҳоят кўллаб баҳолар ва можаролар ҳамда бир неча бор ўзгартаришлардан сўнг Ироқ ҳукумати сайлов кунини 2010 йилнинг 7 мартига белгилади. Аммо шунда ҳам баъзи бир гу-руҳлар бу сайловларга норозиликларн турли кўринишларда намойён этмоқдалар.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Ироқдаги миллий диний-этник муаммолар сиёсий тус олиб, парламентга сай-

ловларни ўтказишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, Ироқда сайлов жихатдан аниқ бир "ўлчам"ларнинг йўқлиги, сайлов жараёнларида сиёсий партиялар фаолияти маълум бир миқдорда ёки этник гуруҳ манфаатларини химоя қилишга қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳукуматнинг бирор бир қарор қабул қилишида қийинчилик ёки узоқни кўзламаслик ҳолатларига олиб келмоқда. Ироқдаги компенсация ўринлари муайян миллий камчиликка тақсимланиши ва бу тақсимланишдаги номуთანосиблик фуқаролар ўртасида миллатчилик кайфиятини янада ошишига хизмат қилмоқда.

Шунинг учун биз, Ироқдаги сўнги сайловолди ва сайлов жараёнларидаги муаммоларни таҳлил қилган ҳолда қуйидаги тақлифларни киритамиз: Ироқ ҳукумати сайлов тизими ва қонучилигини барча фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар учун тенг эканлигини тартибга солиш; БМТнинг Ироқдаги миссияси таъкинлаганидек, сайловчиларни "очиқ рўйхат"га олиш тизимини жорий қилиш. Зеро, сайлов демократик институтларнинг асоси экан, у очиқ ва эркин амалга оширилиши керак; Парламентдаги ўринларни миллий ёки диний-этник гуруҳлараро тақсимлаш усулига чек қўйиш.

(1) Каримов И.А. Хафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 41-51-бетлар.

(2) Пан Ги Мун. Предстоящие выборы в Ираке должны стать решающим шагом на пути к национальному примирению // <http://www.un.org/russian/peace/missions/iraq.html>.

(3) Сорокина Н. Выбор на крови // Российская газета. – М., 2009. – 12 нояб.

(4) Мелкерт А. Разногласия относительно спорных внутренних границ в Ираке могут привести к новому конфликту // <http://www.un.org/russian/news/fullstorynews.asp?newsID=12664>.

(5) Бирлашган Ироқ Иттифоқи аъзоси.

ОЛИЙ МАЖЛИС РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: РАЗВИТИЕ И СОТРУДНИЧЕСТВО

Республика Узбекистан провозгласила себя независимой 31 августа 1991 г. Это значило, что в Международных отношениях появился новый полноправный субъект. Взрыв курс на построение демократического общества и рыночной экономики, молодое государство столкнулось с серьезным вызовом современности, а именно созданием мощного законодательного аппарата. Сегодня ясно представляется, что законодательная власть является существенной составляющей государственной власти в целом. В связи с этим выработка четкой функционирующей законодательной системы является базисом для эффективного функционирования государственной власти.

Становление законодательной ветви власти в Республике Узбекистан в своем развитии прошло три этапа: 1991-1994 гг., 1995-2004 гг., с 2005 г. по настоящее время. На первом этапе функционировал Верховный Совет Республики, который в большей степени играл роль временного парламента или парламента переходного периода. С 1991 по 1994 гг. велась разработка первых законов, которые послужили базисом для становления однопалатного парламента страны – Олий Мажлиса, а также функционирования исполнительной власти независимого государства: «Об основах государственной независимости», «О выборах Президента Республики Узбекистан», «О государственном флаге Республики Узбекистан», «О государственном языке республики Узбекистан», «О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан» и т.д. С 1995-2005 гг. функционировал однопалатный Олий Мажлис Республики. Нужно отметить, что парламент проявил динамич-